

Ўзбекистон ўзининг табиати, сўлим боглари, бебахо гўзал диёри билан ажралиб туриб, кадимдан халкимиз ўз меҳнати билан катта боғлар яратишга ҳаракат қилишган. Жумладан, кадимий тарихга эга Тошкент ўз атрофидаги сўлим чорбоглари билан хамиша машхур бўлган. Шаҳарнинг ҳар бир даҳа аҳолиси чорбоғ яратиш учун дехкончилик маданиятига катта эътибор бериб меҳнат қилганлар. Ана шундай чорбоғларга Себзор даҳасининг чорбоглари Хасанбой, Кўктерак каби, Бешёғоч даҳасининг чорбоглари эса Дўмбиробод каби манзилгоҳларда жойлашган.

Тошкент бозорлари географик жойлашувига кўра кадимдан йирик савдо маркази сифатида машхур бўлгани учун унга бошқа мамлакатлардан кўпгина савдогарлар келиб турган. Масалан, 1813 йилги саёхати вақтида Тошкентда бўлган рус сайёҳи Филипп Назаров уни “бозорларга турли мамлакатлардан қарвонлар узлуксиз келиб-кетардиган йирик савдо маркази”, деб таърифлаган.

XIX асрда яшаган тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ эса “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида шаҳарнинг асосий савдо маркази Регистонда жойлашганини кўрсатиб, қуйидаги фикрни баён этди: “Бозор расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўқонигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо сотик, ҳар хил ўйин-қулги қилади”.

Чиндан ҳам, шаҳар бозори фақатгина савдо-сотик учун хизмат қилибгина қолмай, шаҳар халқи ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам эди. Шаҳар ҳокимининг турли фармонлари масжидларда маълум қилинганидан ташқари, яна шу бозорда ҳам жарчилар томонидан эълон қилинарди. Бозор майдонида дорбозлик, қулги-ҳазил ва бошқа томошалар намойиш этиларди.

Рус тарихчиси В. Масальский Эски шаҳар бозорининг 1908-1910 йиллардаги кўринишини қуйидагича тасвирлайди. “Бир қисм типдан иборат бозорда 4500 та дўқон, чойхона, ошхона, устахона ва қарвонсорой борки, улар бозор қуллари ниҳоятда тикилинч бўлади. Бозорга туташган кўчалар ва бозорнинг ўзи шаҳарликлар, даладан келган дехконлар,

туя карвонлар, отликлар, аравалар билан шу қадар тўлиб кетадики, юришга илож бўлмай қолади. Аллопу канолатчи, баззозу сомсапаз, мисгару чилангар, новвою халвофуруш, каллапазу кабобпазларнинг бакирик-чакириги, гадоларнинг хайру-садака тилаши, каландару маддохларнинг кироатли ўқишлари, туяларнинг бўкиришию, эшакларнинг ханграши аралаш-куралаш бўлиб кетади-да, бу махобатли гулдироз бозордан олис-олисларга эшитилиб туради. Бошка кунлари шаҳар кўчалари сокин бўлади. Айниқса дала кўчаларининг икки томондаги нураган пахса деворлар орқали шафтоли, ўрик, олма, гилос ва бошка мевали дарахтларнинг анвойи ранг гуллари келинчаклардек мўралаб туради, офтобда кизиган, упадек майин, билк-билк тупрокли кўчалар ажабтовур бир сукунат огушига чўмади. Ахён-ахёнда гилдираклари осилиб турган ларзон шохларига тегай-тегай деб кўкон арава ё эшаги ҳам ўзи сингари охиста мудраб бораётган дехкон, ёхуд деворни паналаб келаётган паранжили аёл ўтиб қоладию, кейин кўча яна улугвор ва шарқона сокинлик кўйнига чўмади...”

Ўрта Осиёнинг бошка йирик шаҳарларида бўлгани каби Тошкентда ҳам хайит ва рўза кунлари бозоршаб (кечки бозор) ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдон безатилиб, кўчанинг икки четдаги чойхона ва дўконлар олдига чорпоялар кўйилиб, хар хил мева-чева, озик-овкат сотилган. Карнай, сурнай ва ногоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Бир томонда дорбозлик, масхарабозлик ва кўгирчокбозлик, бир томонда кураш, бир ёнида ўргатилган хайвонлар томошаси... Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, кизикчи, раккослар ўз санъатларини намойиш қилганлар. Бозоршаб турли шаҳарларда бўлгани каби Тошкентда ҳам маҳаллий урф-одат, расм-русмга қараб ўтказилган.

Эски шаҳар Янги шаҳардан қанчалик фарқ қилса, Туркистондаги бошка шаҳарларнинг маҳаллий қисмига шунчалик ўхшаш эди. У 1908-1910 йилларда қатта майдонни эгаллаган. 210000 дан зиёд ховли бўлган. Шаҳар марказида уйлар зич, кўчалар тор эди.

Деярли ҳамма маҳаллада бир нечтадан масжид бўлган, уларнинг минорасига хар йили лайлак уя қуради.

Тошкент Ўрта Осиёдаги бошка шаҳарлар хандак ва девор билан ўраб олинган. Кўймас, Кўкон, Қашкар, Лабзак, Тахтапул, Корасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч каби 12 та дарвозаси бўлган. Хар бир дарвозадан шаҳар марказига – бозорга элтувчи кўчалар жуда кўплаб жинкўчаларга тармоқланиб кетган.

Шахар Себзор, Кўкча, Бешёгоч ва Шайхонтохур номли тўрт дахага бўлинган. Шайхонтохур дахасида 48 та махалла, 60 та масжид, 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик, дегрезчилик, тўкувчилик билан шугулланган. Шахарнинг шимоли-гарбий кисмида жойлашган Себзор дахаси 38 махалладан иборат бўлиб, афсонавий хукмрон Кайковус номи билан аталувчи ариқдан сув ичарди. Бу дахада 3 та мадраса ва 78 та масжид бўлиб, аҳолиси асосан этикдўзлик, тўкувчилик ва бўёкчилик билан шугулланган.

Шахарнинг гарбий кисмида жойлашган Кўкча дахасида 31 та махалла бўлиб, 3 та мадраса ва 51 та масжид бўлиб, аҳолиси кўпчилик ва этикдўзлик билан машгул эди. Шахар жанубини эгаллаган Бешёгоч дахасида 32 махалла, 3 та мадраса ва 68 та масжид бўлиб, у гўзал боглари ва гиштчилиги билан машхур бўлган.

... Шахар ўртача йиллик харорат +13.7 даража бўлиб, ёз иссик (+42.6 даражагача) киши эса ўзгарувчан бўлиб, узок давом этувчи ва баъзан кучли совуклиги (-27 даражагача) туйфайли яхшигина кахратон билан ўтган. Бахор ва куз ойлари ёгингарчилик мўл бўлган. Шимол ва шимоли-шарқдан шамол эсган, лекин килт этган шабада йўк, жазирама ёз кунлар хаво ниҳоятда дим бўлиб кетган. Шахар Бўзсув канали ва унинг шахобчалари оркали Чирчик дарёсидан, шунингдек, 500 га яқин кудукдан сув ичган, кудук ва булоқлар суви узоклардан ташиб келтириларди.

Янги шаҳар ва Эски шаҳарнинг биргаликдаги майдони 60 квадрат верст (чакирим)га яқин бўлган. Тошкентнинг шаҳар чегарасида жойлашган бог-роғлар, узумзорлар, экинзорлар билан кўшиб ҳисобланувчи бутун ҳудуди 176 квадрат верст (18.225 десятина) га тенг бўлиб, бу эса Москва билан Санкт-Петербургнинг бирга кўшиб ҳисобланган ҳудудидан ҳам каттадир. Шаҳар кўчаларининг узунлиги 250 верст яқин бўлган.

Тошкентда керосин лампалар билан ёритилган, 1909 йил бошида телефон абонентлари 476 тага етган. Узунлиги 9 чакиримга яқин иккита конка линияси мавжуд эди. Шаҳарда трамвайни электр токи ёрдамида юргизиш. йўл 30 чакиримга етказилган.

Тошкентда Туркистон ўлкасининг маъмурий, харбий, молиявий, тиббий, назорат, кишлок хўжалик ва бўлак бошкармаларининг барча марказий муассасалари жойлашган эди. Сирдарё вилоятининг харбий губернатори ҳам барча маҳкамаси билан Тошкентда эди. Шу сабабларга кўра, Тошкент бутун Туркистоннинг пойтахтига айланиб қолган, унга ижтимоий ҳаёт ўлканинг бошқа шаҳарларидагига нисбатан анча жонлироқ кечади.

Май ойидан сентябргача давом этувчи узок ёз кунларида эса бу ердаги ижтимоий хаёт сусайган. Жазирама иссик туфайли муассасалардаги машгулотлар эрталаб соат 8 да бошланиб, 1 гача давом этган. Имкони бор одамнинг хаммаси Чимён, Троицкое, Никольское ва Чимкентдаги чорбогларига кетган. Ёзги сайр томоша ва эрмаклар шахар богига ва махаллий ахолининг шахар ташкарисидаги чорбогларига чикиш хамда арикларда кармок билан балик овлашдан иборат бўлган.

Холмуродов Ж., ТерДУ талабаси